



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 12 апрель, № 71 (5238)

Сешанба

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

### ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади

Маълумки, эртага Тошкент шаҳрида IV Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўзи ишона бошлайди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўтказиб келинаётган мазкур тадбирга қизиқиш йил сайин кучайиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Чунки ярмарка интеллектуал мулк яратувчилар ва уни амалиётга татбиқ этувчиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Натижада кейинги йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ривожини таъминлайдиган кўплаб инновацион ишланмалар, замонавий технологиялар яратилиб, амалиётга изчил жўриб этилаётди.

«Бу галги ярмаркада 640 дан ортиқ ғоялар, инновацион ишланмалар ва технологиялар тақдим этилади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги институтлар олимлари томонидан тайёрланган қўшимча маълумотлар ва маълумотлар ҳам бор. Математика ва инновацион технологиялар институтида Алгоритм-инжиниринг институти билан ҳамкорликда яратилган «Кувурда ҳаракатланаётган тазаловчи поршеньнинг ўтиш сигнализатори» қурилмаси — шулардан бири. Хўш, нефть ва газ саноатида қўлланиладиган ушбу қурилманинг аҳамияти ва афзаллиги нималарда қўрилади?»

«Бундан ташқари ушбу борада амалда қўлланилаётган усул ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш керак, — дейди унинг муаллифларидан бири, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Шавкат Фозиллов. — Маълумки, магистрал газ қувурларидан табиий газ узатишда пастки қисмига вақт ўтган сари суоқликлар (конденсат, сув, балчиқ) ва механик қўшимчалар тўпланиб қолгани оқибатида ўтказувчи қисмида камайиб боради. Уни қайта тиклаш учун бугунги кунда тазаловчи поршеньдан фойдаланилади. Гап шундаки, поршеньлар қувурга махсус люк орқали ўтирилади, катта босимда силжитилади. Натижада поршень қувурнинг ичида йиғилиб қолган чиқиндиларни суриб чиқаради. Аммо аксарият холларда чиқиндилар микродори кўпчилиги оқибатида тазаловчи поршень тикилиб қолади ва уни 1-1,5 метр ер остида ётқизилган қувур ичидан излаб топиш катта муаммо бўлиб бунинг учун кўп вақт ва ишчи кучи, техника талаб қилинади.»

«Демак, сизлар унинг самарали ечимини топангиз?» — Институтимизда яратилган «Кувурда ҳаракатланаётган тазаловчи поршеньнинг ўтиш сигнализатори» деб номланган қурилма бу муаммоларни ижобий ҳал этади, — дея сўхбатга қўшилиди янгиликнинг ҳаммуаллифи, институтнинг етакчи илмий ходими Шуҳрат Солиҳов. — Чунки унинг ёрдамида тазаловчи поршень тез-тез топилиб, муаммо жойида ҳал этилади. Бунинг учун кўп ишчи кучи талаб қилинмаслиги, ортиқча вақт сарфланмаслиги туфайли у газ узатиш корхоналарида катта иқтисодий самара келтиради.»

Энг муҳими, ушбу лойиҳанинг конструкторлик ишлари тугатилиб, қурилманинг тажрибавий намуналари яратилди. У лаборатория шароитида синовдан муваффақиятли ўтди. Қурилма саноат синовидан ўтказилгач, ишлаб чиқаришга татбиқ этишга тавсия қилинади.

Муваххасисларнинг тушунтиришларича, қурилма уч қисмдан иборат бўлиб, ташқи муҳит ўзгаришларига чидамчилиги ва аниқ ишлаши билан устуликка эга. Яъни тазаловчи поршень ҳаракатланаётганини кузатиб, тикилиб қолган жойини аниқлаб, кузатувчини мунтазам хабардор қилиб туради. Шу каби қўлайликлари инобатга олиниб, уни «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимида қўллаш мўлжалланапти. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қурилма ҳарajatлари 9 ойда қўпланади.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳамиша буюк ўтмишимиз, эзгу амаллари туфайли жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улуг аждодларимиз ёди билан фахрланамиз. Уларнинг муносиб давомчиси сифатида хайрли юмушлар ташаббускорли бўлишга, бунёдкорлик салоҳиятимиз ила она-юртимизни янада обод этишга интиламиз. Зеро, бундай азму шижоат бизга соҳибқирон Амир Темури бобомиздан мерос.

### УЛУҒ СОҲИБҚИРОН ЁДИ

Фахрланасак арзийдики, миллатимиз гурурини кўқларга кўтарган буюк Амир Темури сиймоси бугун улугланиб, бобомизнинг адолат, ҳақиқат ва юртни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришдек эзгу орзуси ижобат бўлмоқда. Энг муҳими, юртимизда Истиклол шарофати билан миллий кадр яратиларимиз қадр топди. Тарихий адолат тикланиб, Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор асл ҳақиқатлар, ҳолис, ҳаққоний қарашлар юзга чиқди. Бу ўзлигимизни англаганимиз ва айнан шу сабабли эртанги кунга ишончимиз тобора муштажамланиб бораётганидан далолатдир.

Шу маънода айтиш мумкинки, Соҳибқирон Амир Темури буюк давлатчилик тарихи, бой мероси, тегаран философия мушоахадага йўрилган ғоя ва қарашларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш, туб маъно-мазмунини ёш авлод онгига сингдириш беқийёс аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳар йили

#### Кутлуг сана

Аньанага мувофиқ, 9 апрель кун пойтахтимизнинг Амир Темури хибонидида Соҳибқирон таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темури жағмараси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори, тарих фанлари доктори Амриддин Берди-муродов, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавку-

лодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье, Зулфия номдаги Давлат муқофоти соҳиббаси, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Зулхумор Бобоева, ёш шоир Файрат Маждид ва бошқалар сўзга чиқиб, Амир Темури шахсининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни хусусида тўхтадилар. Бобомиз асос солган кучли салтанат фақатгина ҳарбий куч-қудратга эга бўлиб қолмай, балки ўша давр халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида алоҳида нуфуз ҳамда кийиматга эга бўлганлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўғрисида Президентимиз тақдиримизга қўра, улуг бобомизнинг «Темури тузуқлари» асари мукамал ҳолда янгитдан чоп этилди. Китоб Юртбошимиз Ислам Каримовнинг сўзбошимчи билан очилади. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ушбу сўзбошимчи матнини ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНАРИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» давлатчилигимиз тарихида яна бир янги ва ёрқин саҳифаси бошлаб берди. Энг муҳими, Концепциядаги ғоялар мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси ўсиб бораётган, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни жадал ривожланаётган бир даврда илгари сурилди.

#### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Концепция парламент юқори палатаси бўлмиш Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий вакиллик органлари ўзаро ҳамкорлигини ҳам янги ва муҳим босқичга кўтариши, шубҳасиз. Зотан, Концепцияда белгиланган, Сенат ҳамда маҳаллий вакиллик органлари олдида турган вазифаларни ўзаро ҳамкорликни тақомиллаштиришдан туриб, самарали амалга ошириш мушкул.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишлохотларини жойларда рўйбга чиқарилишини таъминлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти, ўрни низоҳатда катта. Шу боис Президентимиз маҳаллий Кенгашлар, айниқса, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

лишлар ижросининг самарадорлиги жойлардаги депутатлик корпуси фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги Қарори билан янги тахрирда тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низоми юқоридаги каби вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти эски тахрирдан Регламентдан фарқи равишда маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг, улар олдида қўйилаётган янги вазифаларнинг барча жиҳатларини қамраб олган. Бир мисол, эски тахрирдан Регламент 53 та моддадан иборат бўлса, янги Регламент 79 та моддани ўзида жалганган. Ушбу ўринда гап фақат моддаларнинг кўпчилигида эмас, улардаги қоидаларнинг тақомиллашганида, қолаверса, маҳаллий Кенгашлар фаолияти давомида ортирилган тажрибалар асосида кўплаб янги қоидалар киритилганлигидадир.

(Давоми 2-бетда).

## «ҚўЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...»

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносидида «Қўли гулдир ўзбек аёлин...» кўргазмасида иш бошлады.

#### Кўргазма

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси, «Хунарманда» уюшмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: кўргазма-савдодан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

### Қисқа сатрларда

• ХОНОБОД шаҳрининг Анҳор, Хидирша, Тейит, Фозиломон маҳаллаларидаги 264 та хонадонда табиий газ таъминоти яхшиланди. Бунинг учун қарий 11 километр масофада 79 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада шаҳар ҳудудидаги газ тармоғининг умумий узунлиги 144 километрге етди.

• ҚОРАЎЗАК туманининг «Кўбей шунгил» аҳоли пунктида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 8 та замонавий тураржой ўз эгаларига топширилди. Барча қўлайликларга эга ушбу кўркем иморатлар «Қораўзақ қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан 423,3 миллион сўм маблағ эвазига қуриб битказилди.

• ЯНГИЕР шаҳридаги «Янгир автогазсервис» масъулияти чекланган жамиятида енгил автомобилларга газ жиҳозларини ўрнатиш хизмати йўлга қўйилди. Банкнинг 45 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа боис 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Корхона жамоаси қисқа муддатда аҳолига 10 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатди.

• ЗАРАФШОН шаҳридаги «Янги Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркор Ражаб Намов томонидан 150 ўринга мўлжалланган «Барак» овқатланиш мажмуи фойдаланишга топширилди. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилган ушбу мажмуада ўнга яқин киши меҳнат қилмоқда.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## РОҒУН ГЭСИ — ЎРТА ОСИЁ УЧУН ҚАЗИЛАЁТГАН ҲАЛОКАТЛИ ЧОҲ

Сурхондарёликлар С. Жигарёвнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ» сарлавҳали мақоласини алоҳида қизиқиш ва безовталиқ билан ўқиб чиқдилар. Мақолада келтирилган факт ва рақамлар ҳаммаши ташвишга солаётди. Унда Роғун ГЭСининг қурилиши туфайли миллионлаб одамларнинг саломатлигига, ҳаётига раҳна солинаётганлиги асослаб кўрсатилган.

Инсон табиат инжиқликларини олдида доим оқиздир. Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган табиий офат ҳамда техноген ҳалокатлар, зилзила, сув тошқинлари, сел ва кўчкилар ҳамда уларнинг мудҳиш оқибатлари мисолида бунга яна бир қарра амин бўлиб бораёلمиз. Аввал Россиянинг Саенно-Шушенск ГЭСидидаги ҳалокатли авария, мана, энди Япония фожиаси... Булар одамзодни такрор ва такрор оғоҳ бўлишга ундаётган воқеа-ҳодисалардир.

Ўрта Осиё давлатлари устида ҳам глобал экологик халокатдан дарак бераётган хавфли шарпа юзга келганига бир неча йил бўлди. Гап Тожикистон раҳбариятининг ташаббуси билан Роғунда бошлаб юборилган улкан ГЭС қурилиши ҳақида бормоқда. Ушбу гидроиншоотдаги тўғон дунёдаги энг баланд бўлиши, йирик сув омборида эса қарийб кичик бир денгиз ҳажмидаги сув тўпланиши назарда тутилмоқда. Унинг ташаббускорлари мазкур лойиҳани «аср қурилиши», дея пеш қилмоқдалару

унинг ишга тушиши минтақа экологиясига путур етказиб, миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлиши мумкинлиги ҳақида гапиргани лозим кўрмайптилар. Ваҳоланки, мутахассисларнинг маълумотига қараганда, Роғун ГЭСи сейсмик жиҳатдан фаол, тез-тез зилзила,

#### Акс садо

сел ва кўчкилар бўлиб турадиган хавфли ҳудудда қурилмоқда. Сўнгги 110 йил ичида бу ерда йигирмидан зиёд 8-9 балли кучли зилзилалар рўй берганилиги тўғрисида асосли далиллар мавжуд. «...Урмонга ўт кетса, хўлқуруқ баробар ёнади», дейди кўчмиз. Агар 12 миллиард кўч метрдан зиёд сувни тўплашга мўлжалланган Роғун ГЭСидида қурилаётган сувнинг тўғон зилзила туфайли дарз кетгудек бўлса, Тожикистон,

Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг 1,5 миллион гектарлик ер майдонлари, беш миллионга яқин одам истиколат қилаётган 700 дан ортиқ аҳоли пунктлари бир неча соат ичида сув остида қолади. Пировардида қанчадан-қанча кишилар қурбон бўлади, бошпанасидан айрилади, трансгегавий ҳудуддаги давлатларнинг иқтисодийи издан чиқиб, бартараф этилиши қийин бўлган турли муаммолар авж олиб кетади.

Роғун ГЭСи ҳатто мўътадил ишлаб турган тақдирда ҳам унинг фаолиятининг қўриладиган зиён катта бўлади. Нуфузли олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Амударёнинг қуйи қирқоқларида истиқомат қилиб келаётган аҳолининг яшаш шароити кескин ёмонлашиб, дарё сувининг минераллашуви икки баробарга ошади, қишлоқ хўжалиги экинлари, балиқ

### «Олтин қалам»: ИЖОДИЙ РАҚОБАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

Давлатимиз раҳбари 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўшма мажлисидаги маърузасида «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолиятини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз», деб таъкидлаган эдилар.

#### Тадбир

Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, бугун юртимизда журналистларнинг ижод қилиши учун янада кенг шарт-шароит яратиши, уларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

# УЛУҒ СОҲИБҚИРОН ЁДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда Юртбошимиз томонидан таъкидланганидек, улуг аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўриқ ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжихат-



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда институт жамоаси яна бир инновацион лойиҳани якунлади. Мазкур курилма юқоридаги ишланманинг мантиқий давоми бўлиб, "Қувурдан оқиб келадиган суякнинг етиб борган жойини аниқловчи сигналатор" деб аталади. У компрессор станциясига оқиб келадиган суякнинг насосларга тушишини олдини олиб, авария ҳолатидан сақлайди. Энг муҳими, унинг ёрдамида газнинг атмосферарага чиқарилиши бартараф

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади

этилиб, табиий бойликнинг тежалишига хизмат қилади. Биринчи инновацион лойиҳа ўтган йилги ярмарка ишторкчиларида катта қизиқиш уйғотган эди. Шу боис у янада такомиллаштирилиб, IV Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этиляпти. "Қувурдан оқиб келадиган суякнинг етиб борган жойини аниқловчи сигналатор" эса илб бор кенг жамоатчилик эътиборига хавола этилади.

Мамакатимиз санаотчилари ярмаркада шу каби қўлаб тежамкор инновацион ишланмалар билан яқиндан танишиб, улар орасидан энг мақбулларини амалиётга татбиқ этиш буйича келишувларга эришиш имкониятига эга бўладилар. Зотан, замонавий қўрилмаларнинг халқ ҳўжалигида қўлланилиши сарф-харажатларини камайтириш, иш унумдорлигини ошириш, табиий ресурсларни тежаш борабора уларнинг иқтисодий самара келтириши мўқаррар.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 12 апрелдан бошлаб валюта операциялари буйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйиладиган қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1780,77
1 Англия фунт стерлинги	2759,94
1 Дания кронаси	326,99
1 БАА дирҳами	459,15
1 АКШ доллари	1686,18
1 Миср фунти	282,73
1 Исландия кронаси	15,05
1 Канада доллари	1765,26
1 Ҳонг кони	257,98
1 Россия рубли	59,96
1 Украина гривнаси	211,71
1 Малайзия ринггити	558,52
1 Польша злотийси	617,33
1 СДР	2685,65
1 Туркия лираси	1116,82
1 Швейцария франки	1859,07
1 Евро	2406,52
10 Жанубий Корея вони	15,55
10 Япония йениси	199,15

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

лик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган.

Дарҳақиқат, темирйилар салтанати ўз даврида Осиё ва Европа қитъасидаги йирик империя ва давлатлар билан дипломатик aloқаларни йўлга қўйиб, тинч-товув кўшничилик муносабат-

лари орқали ривожланишга юз тутиш тарафдори бўлгани тарихий манбалардан маълум. Ва ушбу жиҳат ҳозирги даврда ҳам ўта муҳим, долзарб аҳамиятга эга эканлиги барчамизга яхши аён. Шуни инобатга олган ҳолда, бугун, айниқса, ёш авлоднинг улуг аждодимизга хос оқиллик ва одиллик, мардлик, қатъият, хайру саховат, меҳр-мурувват каби етуқ маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб етишишни таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда. Тадбирда ана шундай мазмундаги фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг ишторкчилар Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов ишторк этди.

Шу кун Темурйилар тарихи давлат музейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Темурйилар давлатининг дипломатик муносабатларига оид кўргазма ҳам намойиш этилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда. Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: Соҳибқирон таваллуди муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Шу кун Темурйилар тарихи давлат музейида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Темурйилар давлатининг дипломатик муносабатларига оид кўргазма ҳам намойиш этилди.

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, янги тахрирдаги Регламентнинг 3-моддаси қондаларига биноан, халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси халқ депутатлари Кенгаши депутатлари, халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари, ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари, тегишли ҳудудда жойлашган қорхона, муассаса, ташкилот ва нодавлат нотижкорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақлифлари, шунингдек, ҳудудий вакиллик органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу ўринда Сенат тавсияларига алоҳида урғу берилмаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Регламентнинг 6-моддасида халқ депутатлари Кенгашининг асосий ваколатлари белгилаб берилгани фаолиятимиз билан боғлиқ амалиётда юзга келадиган қўлаб камчиликларни бартараф этишга, бахли масалаларга ойдинлик киритишга хизмат қилади. Демак, Регламентнинг 6-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгашига бир қатор ваколатлар берилган.

Жумладан, ҳоким халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг тақдими биноан, маҳаллий бюджетни ва унинг ижро этилиши ҳақидаги ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини, вилоят, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уларни қуриш қоидаларини тасдиқлайди. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг ва кўйи халқ депутатлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунлариға мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш, халқ депутатлари Кенгаши раҳбарини ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни тинглаш ҳамда халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг тақдимиға биноан, ҳокимлик тузилмала-

рини, унинг ходимлари шатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тасдиқлаш ваколатига эга. Кенгашига эса халқ депутатлари Кенгашининг регламентини, доимий ва муваққат комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, уларнинг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда Кенгаши депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш, ижро ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш ҳамда Кенгаши депутатларининг сўровларини қўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатлари берилган. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш, маҳаллий солиқлар буйича имтиёзлар бериш ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши раҳбари қарорларини тасдиқлаш ваколатларига эга.

Халқ депутатлари Кенгашилари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш соҳасидаги ўз ваколатларига таллуқли бошқа масалаларни ҳам ҳал қиладилар.

Регламентнинг 22-моддасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ва энг муҳим муаммоларни муҳофаза этиш мақсадида Олий Мажлиси Сенати қўмиталари (комиссиялари) ва халқ депутатлари Кенгашининг қўшма мажлислари ўтказиши мумкинлигининг белгилаб қўйилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, Сенат ва унинг қўмиталари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамкорлигини янада самарали ташкил этиш учун айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Иккинчидан, Сенат қўмиталари ўз назорат ваколатларини амалга ошириш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларини махсус тузилган ишчи гуруҳларга фаол жалб этади. Ана шу жараёнда ҳар бир депутатдан алоҳида масъулият талаб этилади. Депутатлар берилган имкониятдан фойдаланиб, у ёки бу қонун, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан жойларда юзга келадиган муаммолар масалалар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари аниқлашда фаол бўлишлари лозим, деган фикрдамыз.

Учинчидан, депутатлар ўзлари сайланган ҳудудлардан Сенатга бориб тушаётган фуқаролар муурожаатларини Сенатнинг тегишли қўмиталари билан биргаликда таҳлил қилиб, уларда кўтарилмаётган масалаларни ҳал этиш буйича ўз ваколатлари доирасида зарур ишларни олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Сенатга берилмаётган ҳар бир янги ваколат замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси муқассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Сенатга берилмаётган ҳар бир янги ваколат замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси муқассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Сенатга берилмаётган ҳар бир янги ваколат замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси муқассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Сенатга берилмаётган ҳар бир янги ваколат замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси муқассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Сенатга берилмаётган ҳар бир янги ваколат замирида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларининг ҳам масъулиятини ошириш ғояси муқассам.

Дамир СИДҚОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

чи аёлларнинг ҳам иқтисодий ҳаёти, оилавий фаровонлиги, билим доирасининг ошиши ҳамда тадбиркорликка бўлган иқтидорларини намоён этишда кўл келмоқда. Кўргазма-савдонинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди. Тадбир 21 апрелга қадар давом этади. Мавжуда ХОЛМАТОВА.

# ҚОНУНИЙЛИК, ОШКОРАЛИК, МУҚОБИЛЛИК

Фуқаролар йиғинларига сайловларнинг асосий тамойилидир

Шу кунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизгин хозирлик қўрилмақда. Жумладан, яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича сессиялари ўтказилди. Мазкур мажлисларда ҳудудий қўмақлашувчи комиссиялар тузилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди.

Уларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини умумэтироф этилган қонунийлик, адолат ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказиш кераклиги, бунда сайловни ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишга масъул бўлган комиссиялар, ишчи гуруҳлар фаолиятида мустақиллик ҳамда очикилик эътиборини қўнайитириш лозимлиги таъкидланди.

— Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашувчи комиссиянинг таркиби тасдиқланди, асосий вазибалари белгилаб олинди, — дейди «Нуроний» жағармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси, комиссия аъзоси Б. Бобожонов. — Айтиш керакки, 654 нафар оқсоқол ва уларнинг маслаҳатчилари сайланадиган сайловларнинг ҳақиқий демократик тамойиллар асосида эркин ўтишини, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш асосий вазибаларимиздан ҳисобланади. Зеро, бу тадбир вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Чунки маҳалла — юксак маънавият бешиги. Ҳар биримизнинг кундалик турмушимиз бевосита айнан маҳаллада кечади. Шу маънода айтганда, бу масканга оқсоқоллик қилиш, халқ билан ҳаммафас бўлувчи жонқуяр, фидойий раисларни сайлашнинг аҳамияти жуда каттадир. Шунинг учун ҳам бугун хоразмликлар мана шу лавозимга муносиб номзодларни танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишяпти. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ

раис ва уларнинг маслаҳатчилари сайланади. Айни чоғда вилоятда бошқа ҳудудлардаги каби фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнига ёшлар, хотин-қизларни кенг жалб қилишга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун тегишли шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Мамакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг диққат-эътиборида турибди, — дейди сенатор, вилоят комиссияси аъзоси Р. Қўрғонова. — Бугун аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жағият ҳаётининг барча жаҳалларида фаол ишторк этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Буни маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига номзодлар орасида хотин-қизларнинг изчил кўлабчи бораётгани ҳам тасдиқлайди. Бу балги сайловга тайёргарлик қуриш ва уни ўтказишда аёлларнинг янада фаол бўлиши, шубҳасиз.

— Сирдарё вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида 352 нафар раисони ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган, — дейди сенатор, вилоятнинг тегишли комиссияси аъзоси И. Қоратов. — Ҳозир маҳалланинг пасту баландини яхши биландиган, обрўли, одамларни бирлаштира оладиган номзодларнинг сайловларда ишторк этишини, бунда, айниқса, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида сайловларнинг тенглик, қонунийлик ва муқобиллик асосида ўтишини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масаласи халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашилари сессияларида ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# «Олтин қалам»: ИҶОДИЙ РАҚОБАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўз навбатида, ана шундай юксак эътибор ва ғамўрликларга жавобан бугун оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг илғор, ҳозиржавоб ва янгиликка интилувчан куч сифатида намоён бўлиши тақозо этилаётди. Қолаверса, замонавий журналистиканинг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда уларда тинчқийдир фикрлашни, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш бугуннинг муҳим талабларидан биридир.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан тасвир этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов аниқ шу мақсадлар рўёбига кенг йўл очайтир.

Жорий йилда мамлакатимизда мазкур мукофот учун олтинчи бор танлов ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. — Маҳаллий ва хорижий журналистларнинг мазкур танловга қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Ш. Ғуломов. — Жумладан, ўтган йили «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун ўтказилган танловда 6700 та ижодий иши билан қатнашган 451 нафар журналист орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланган эди. Жорий йилда эса, 11 апрель

ҳолатига кўра, 550 нафарга яқин журналистнинг 7500 дан зиёд ижодий иши қабул қилинди. Бу танлов ишторкчилари сони ўтган йилдаги нисбатан 100 нафарга, ижодий ишлар миқдори эса қарийб 1000 тага кўпайганидан далалат беради.

Тадбирда «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танловда мукофот бораётгани ҳам эътироф этилди. Жумладан, жорий йилда телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларида жами 27 та номинация (битта бош, 12 та асосий ва 14 та рабатланган мукофот) бўйича ғолиб ва совриндорларни аниқлаш ва тақдирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда танловнинг мукофот жамғармаси 149 миллион сўмдан ошиб, ўтган йилдагига нисбатан қарийб 37 миллион сўмдан зиёда ташкил этилди. Бундан ташқари, бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам танлов учун турли мукофотлар тасвир этилган.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими Жаҳон матбуот эркинлиги кўни арафасида — 2 майда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилди.

Йиғилишда «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти халқаро танлови ҳаёти ва ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди, улар томонидан танловнинг тантанали тақдирлаш маросимини ўтказишга доир ташкилий ишлар муҳофиза этилди.

Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, Тожикистоннинг ҳатто оддий фуқаролари амалдаги халқаро нормаларга мутлақо зид бўлган Роғун ГЭСининг қурилишдан асло манфаатдор эмасликлари ҳақида гапирмоқдалар. Кўшни мамлакатдаги оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол туфайли ишсизлик, камбағаллик ва турли касалликлардан азият чекаётган Тожикистон аҳолисиға бу қурилиш ниҳоятда қимматга тушмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида бот-бот тарқатилган хабарларга қараганда, уларға бир неча йилдан буюн хали қурилмаган Роғун ГЭСининг қимматбаҳо акциялари мажбурий тартибда сотилаяпти. Холбуки, ҳолис мутахассисларнинг ҳисоб-китобиға кўра, Роғун ГЭСи қурилишини якунлаш учун яна икки миллиард АКШ долларидан зиёдорк маблағ керак экан. Демак, меҳнатсевар тожик қўшинларимиз

# РОҒУН ГЭСИ — ЎРТА ОСИЁ УЧУН ҚАЗИЛАЁТГАН ҲАЛОКАТЛИ ЧОҲ

ўзларининг тинчлиғига раҳна соладиган, эркини тизгинлайдиган, давлат раҳбарларининг масъулиятсизлиғи сабабли авж олдирилган бу «машмаша»ға яна пул тўлашга мажбур этилишаркан-да. Миллионлаб инсонларнинг ҳаётини хавф остига солаётган, халқларнинг миллий генофондини барбод этадиган бу «аср қурилиши» нафақат тожик халқининг, балки Ўрта Осиёда яшаб келадиган минг-минглаб турли миллатга мансуб кишиларнинг оқибатининг бунзапти. Сурхондарё вилояти Тожикистон давлати билан чегарадош ҳудудда жойлашганиға боис юртимиз аҳлининг тожикистонлик биродарлар билан азал-азалдан борди-келдиси, қўни-

қўшничилик, куда-андалик муносабатлари мавжуд. Биз «устоз — шогирд» аънаналарини қўллаб, деҳқончиликда, ҳунармандчиликда, илм-фан ва санъатда ўзаро таъриба алмашиб, ҳаммиса аҳилликда, ҳамжихатликда яшаб келганмиз. Таассуфки, энди бизни ҳаёт манбаи — сув билан боғлиқ оғриқли муаммо қурилиш ташаббускорларига қарши қатъий билан ҳаракат қилишга ундамоқда. Чунки зилзила ёки техник носозлик туфайли Роғун ГЭСининг тўғони дарз кетса, кучли сув тошқини, энг аввал, Тожикистоннинг катта қисмиға, кейин мамлакатимизнинг Жанубий ҳудуди — Сурхондарёға бир зумда етиб келиши мумкин. Тарихчилар томонидан жаҳон

цивилизациясининг бешиғи, деб тан олинган, бир пайтлар Искандар Зўлқарнайн, Қинхизхон қўшинларининг ҳужумларига дош бериб, қайта-қайта тикланган термизийлар юрти улкан сув тошқинлари зарбиға дучор бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайд.

Мухтарам Юртбошимиз 2010 йилнинг сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида трансчегаравий дарёларда сув иншоотларини қуришга мўлжалланган ҳар бир лойиҳа халқаро ҳолис экспертиза натижаларига асосланган ҳамда қўшни давлатлар билан келишилган ҳолда ишлаб

чиқилиши ва амалга оширилиши зарурлигини таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг трансчегаравий дарёларда атроф-муҳитга, кишилар ҳаётиға зарар кўрсатувчи улкан гидроиншоотлар ўрниға кичик ГЭС-ларни қуриш мақсадиға мувофиқлиғи, бундай иншоотларнинг ҳар томонлама самарали, арзон ва экологик жиҳатдан хавфсиз эканлиғи тўғрисидаги фикрлари дунё олимлари, халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўллаб-қувватланган эди. Глобаллашув шароитида қайсидир давлатнинг табиатиға, жамиятиға берилган ҳар қандай зарба, пировард натижада бошқа давлатларға, қурраи заминға салбий таъсир қилади.

Абдурашид АРТИКОВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.



